

- босқинчилик;
- наркобизнес.

Шу билан бирга, террорчилик ташкилотлари айрим йирик давлатлар томонидан молиялаштирилиб туришини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.



ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИДИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва, айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инobatта олинмоқда.

“Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман”, – деб ёзган эди сиёсий арбоблардан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний экстремистик оқимларнинг жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритмоқда дейиш мумкин. Қайд этилган мулоҳазалар нега ёшлар диний экстремистик ҳаракатлар фаолиятининг асосий объектига айланганини муайян даражада тушуниш имконини беради.

Турли диний экстремистик ҳаракатлар, террорчилик хуружларининг асосий иштирокчилари ёшлар экани эса юқоридаги каби эътиқодий ва ғоявий таъсир ва таъйиқлар қандай оқибатларга олиб келишини, ўсиб келаётган авлодга хос фаоллик ва социал энергиядан ғайриинсоний мақсадлар йўлида нечоғлик усталик билан фойдаланиш мумкинлигини яққол намойиш этади.

АСЛ ҚИЁФА!

Юқорида қайд этилганидек, экстремистик ташкилотларнинг аксарияти ўз номини муқаддас Ислom дини билан боғлашга уринади. Улар ўзларини “нажот топган гуруҳ” қолган мусулмонларни эса кофир ҳисоблайдилар. Аслидачи? Аслида ҳам шундайми? Йўқ, албатта!

Ислom сўзининг лугавий маъноларидан бири “тинчлик”дир, у ҳеч қачон бузгунчиликка, қотилликка ундамаган ва ундамайди. Замонавий террорчилар эса

бузгунчиликка, қотилликка ундамаган ва ундамайди. Замонавий террорчилар эса бузгунчилик ва қотиллик, одамларга даҳшат солишни ўзларига маслак қилиб олганлар.

Қуръони каримда бегуноҳ одамларнинг жонига қасд қилиш қораланиб, жумладан, “Нисo” сурасининг 93-оятнда шундай марҳамат қилинади: “Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишидир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай”.

Ҳадисларда ҳам бу борада кўллаб хабарлар келган. Жумладан, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Аллоҳ таолонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатл этилишидан кўра, ёруғ дунёнинг барбод бўлиб кетиши энгилроқдир”, – дедилар”.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, диний экстремизм ва терроризмнинг **АСЛ ҚИЁФАСИНИ** очиб бериб, мазкур ҳаракатларнинг нафақат дунёвий қонун-қоидалар, балки Ислom дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади.

ШУНДАЙ ЭКАН, ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА БАРЧАМИЗ ЎЗ БУРЧИМИЗНИ ҲИС ЭТИШИМИЗ, ОҒОҲ БЎЛИШИМИЗ, ЁШЛАРИМИЗ, ВАТАНИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛ ЭКАНИМИЗНИ УНУТМАСЛИГИМИЗ ЛОЗИМ.

Ушбу буклет Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотикорат ташкилотларини ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб қувватлаш жамoат фонди давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси доирасида тайёрланди.



ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



ЭКСТРЕМИЗМ – ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИД



? ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?

Экстремизм (лотинча – “ақл бовар қилмас даражада”, “ҳаддан ошиш”) жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган, кескин радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. **Экстремизм** – жамият учун анъанавий бўлган қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Терроризм (лотинча – “қўрқитиш”, “ваҳимага солиш”) – аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотиш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жинсий фаолиятдир. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди. Бундай шаклда у халқаро ижтимоий-сиёсий акс-садо берадиган кўпуровчилик сифатида намоён бўлмоқда.

Экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичларидир.

? ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯ ВА ҚАРАШЛАР ПАЙДО САБАБИ НИМАДА?

Экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби бу – мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир.

Мутаассиблик (фанатизм французча – “ибодат”) муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга мукҳасидан берилиш, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам экстремистик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

? ҲОЗИРГИ КУНДА ҚАНДАЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТЛАР МАВЖУД?

Ҳозирда дунёда 500 га яқин экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг тахминан

80 фоизи ислом дини ниқоби остида фаолият юритади. Улар қаторида “ал-Қоида”, “ИШИД”, “Тавҳид ва жиҳод катибаси”, “Имом Бухорий катибаси”, “Муслмон биродарлар”, “Ҳизбут-таҳрир”, “Жамоати уламо Покистон”, “Кашмир кўзғолончилик ҳаракати”, “Нурчилик”, “Жамоати таблиғ”, “ал-Жиҳод ал-исломий”, “ат-Такфир ва-л-ҳижра”, “Абу Сайёф”, “Озод Ачех”, “Лашкари жиҳод”, “Қуролли исломий ҳаракат”, “Туркистон ислом ҳаракати”, “Акримийлар”, “Исломий жиҳод иттиҳоди” каби ташкилотларни санаш мумкин.

? ЭКСТРЕМИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ БУНЧАЛИК КЕНГ ТАРМОҚ ОТИШИНING САБАБИ НИМАДА?

Дарҳақиқат ҳозирги кунга келиб экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир.

Аввало, барча экстремистик ташкилотлар бир тадқиқот марказлари, таъбир жоиз бўлса “ғоявий лаборатория”лар маҳсули эканини алоҳида қайд этиш лозим. Шу ўринда, экстремистик оқимларни бажарадиган функцияларига кўра шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирувчи ташкилотларнинг асосий “вазифа”си бу одамларни гўёки “исломлаштириш”, “тақвога чақиритиш”дан иборат. Бундай гуруҳлар қаторига “Таблиғчилар” ташкилотини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ ташкилотлар эса “исломийлаштирилган” аҳолига энди мутаассиблик ғояларини сингдириш, улардан муайян ғояга, раҳнамога оғишмай, сўзсиз эргашадиган “кадр”ларни тайёрлаш билан шуғулланади. Бундай гуруҳлар қаторига “Нурчилар”, “Ҳизб ат-таҳрир” каби экстремистик ташкилотларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ ҳаракатлар эса юқоридаги ташкилотлар томонидан тайёрланган кишиларни “жиҳод”ни амалга оширишга тайёрлаш билан шуғулланади. Бу гуруҳга барча террорчи ташкилотлар киради.

? ЭКСТРЕМИСТИК ҲАРАКАТЛАР ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ?

Экстремистик руҳдаги террорчи ташкилотларнинг **стратегик мақсадлари**, аввало, гўёки, шариатга асосланган давлат тузиш бўлиб, бу бир неча босқичда амалга оширилиши режалаштирилган.

Биринчи босқичда аҳолини кенг кўламда гўё “исломийлаштириш” назарда тутилади.

Бунда, аввало, диний илми саёз бўлган кишилар орасида исломнинг фарзларига амал қилиш лозимлиги, бу ишларни бажармаганлар муслмончиликдан чиқиши уқтирилади. Шу билан бирга, яширин “хужралар” тузиш ва уларда ўқиётганларга, диний таълим ниқоби остида, ўз қарашларини сингдириш ишлари олиб борилади.

Бир қарашда бундай “даъват”дан ҳеч қандай зарар йўқдек кўриниши мумкин, аслида эса бу “чуқур ўйланган стратегия”нинг бир қисмидир.

Иккинчи босқичда энди “исломийлаштирилган” аҳолида ҳукумат, мавжуд конституциявий тузум, расмий диний тузилмалар ва уламоларга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва шу орқали ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш кўзланади.

Учинчи босқичда эса аҳоли орасида “имонли” ва “имонсиз”, “муслмон” ва “кофир”, “ислом диёри” ва “куфр диёри” каби тушунчаларни кенг ёйиш, экстремистик руҳдаги варақа, адабиёт, видео ва аудио тасмаларни тарқатиш орқали динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш асосий мақсад ҳисобланади.

Ва, ниҳоят, **тўртинчи босқичга** келиб, тўпланган “жамоат”ни мавжуд ҳукуматни ағдариш ва “ислом давлатини” тузишга даъват этилади. Бунда, “жиҳод”, “шаҳидлик” ғояларини тарғиб қилиш, яширин гуруҳлар тузиш ва унинг аъзоларини махсус (даъват, кўпуровчилик ва ҳ.к.) тайёргарликдан ўтказиш, аёллардан иборат ячейкаларни кучайтириш ва охир-оқибат террор воситаларидан фойдаланган ҳолда мақсадга эришиш кўзланади.

? ЭКСТРЕМИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ҚАНДАЙ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРГА ТАЯНАДИ?

Замонавий терроризм хилма-хил молиявий манбалардан озиқланиши ҳисобига фаолият қамровини кенгайтиришга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Террорчи ташкилотларни озиқлантириб турувчи асосий молиявий манбалар куйидагилар ҳисобланади:

- очик, расмий фаолият юритувчи тузилмаларидан олинадиган даромадлар;
- уюшма аъзолари тўлайдиган бадаллар;
- ноқонуний қурол-яроғ савдоси;
- киднеппинг (одамларни товон пули ундириш мақсадида ўғирлаш).